O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ, 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида иқтисодий соҳанинг барча жабҳаларида 489,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Меҳнат бозорида олиб борилган фаол сиёсат туфайли аҳолини иш билан таъминлаш 3,1 фоизга ошди».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 27-oktabr • Shanba • 132 (27.777) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 октябрь куни Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, кўплаб халқаро сиёсий масалаларга ёндашувларнинг муштараклиги, кўлами изчил кенгайиб бораётган иқтисодий алоқалар ўзаро ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланаётганидан далолат беришини, Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари билан муносабатларни қадрлашини таъкидлади.

Мамлакатларимиз бир-бири учун ишончли ҳамкор саналади. Мазкур учрашув ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлган кунларга тўғри келганида ҳам чуқур рамзий маъно бор.

Бирлашган Араб Амирликларида, хусусан, Дубай амирлигида ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани катта мамнуният билан кутиб олинди. Мазкур давлатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида» деб номланган китоби араб тилида нашр этилди. Бу воқеалар мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва маънавий яқинликнинг, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг ёрқин тасдиғидир.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан БААда мамлакатимиз элчихонасини очишга ҳозирлик кўрилаётгани томонларнинг ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдорлигидан, интилишлари ўхшаш эканлигидан далолатдир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик суръати ҳам юқори. 1992 йилдан буён «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари Тошкент — Шаржа — Тошкент йўналишида қатновни амалга ошириб келмоқда. Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда 112,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистоннинг БААга экспорти асосан рангли металлар, ипак, газламалар ва хизматлардан (ҳаво транспорти орқали юк ва йўловчи ташиш) иборат. У ёқдан резина ва каучук маҳсулотлари, кийим-кечак, маиший электроника жиҳозлари, қурилиш материаллари, мебель ва транспорт воситалари импорт қилинади.

Мамлакатимизда БАА сармояси иштирокида ташкил қилинган 66 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қарийб ярми тўла БАА сармояси билан тузилган.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари нефть-газ саноати ва нефть кимёси соҳасида катта тажрибага эга ва самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Жорий йилда Ўзбекистон билан БАА ўртасида Араб мувофиқлаштириш гуруҳи доирасида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ушбу гуруҳнинг 2007 йил июль ойида Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида унинг БАА томонидан аъзоси — Абу-Даби Тараққиёт жамғармаси вакиллари қатнашди. Мазкур анжуманда Ўзбекистоннинг таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларига оид йиғирмадан зиёд лойиҳаси кўриб чиқилиб, қатор ҳужжатлар имзоланди.

Гуманитар соҳада ҳам алоқаларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан Жума Ал-Можидий номидаги Дубай маданият маркази қадимий қўлёзма асарларни ўрганиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Мамлакатларимиз ўртасида таълим, юқори технологиялар, тиббиёт соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш икки томон учун бирдек манфаатлидир.

Оқсаройдаги учрашувда Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, ўз мамлакати ислом цивилизацияси ривожида муҳим ўрин тутадиган ва улкан иқтисодий салоҳиятга эга Ўзбекистон билан кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЯНГИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

Республикамизнинг барча вилоятларида бўлганидек Фарғонада ҳам замонавий таълим масканлари бунёд этишга катта эътибор берилмоқда. Янги қурилиб фойдаланишга топширилган 720 ўринли Риштон тиббиёт коллежи фикримиз исботидир.

Замонавий, муҳташам мазкур ўқув даргоҳи ўзининг қулайлиги, шинамлиги, катта ва ёруғ хоналарга эгалиги билан ажралиб туради. Айниқса, фан кабинетларининг янги ўқув жиҳозлари билан таъминланиши таълим жараёнини янада такомиллаштиришга имкон яратади. Эндиликда бу ерда ҳамширалик иши, лаборатория-диагностика ҳамда тиббий профилактика йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Коллежда 150 ўринга мўлжалланган ўқувчилар ётоқхонаси ҳам бунёд этилди. Қурилиш ишларини Олтиариқ туманидаги «1-кўчма механизациялашган карвон» масъулияти чекланган жамияти жамоаси бажарди.

Суратларда: *коллеж ўқувчилари Зилола Юсупова, Хуснида Абдураҳимова, Шоҳида Аъзамова ва Дилноза Исоқова; янги фойдаланишга топширилган Риштон тиббиёт коллежи.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасида Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол имзоланди.

Шу куни Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Юксак мартабали меҳмон Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Ушбу муаззам мажмуа мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан, айниқса, халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятидан далолат эканини таъкидлади.

(ЎзА)

Олий Мажлис Сенатида

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатасида «Мустақиллик йилларидаги иқтисодий ислоҳотларнинг қонунчилик асослари: таҳлил, баҳо ва хулосалар» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Банклар ассоциацияси ва Банк-молия академияси билан биргаликда ташкил этилган ушбу конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимиз ҳаётида катта тарихий аҳамиятга молиқдир. Маърузада мамлакатимизда амалга оширилаётган, стратегик аҳамиятга эга бўлган кўп қиррали иқтисодий ислоҳотларнинг теран таҳлилига асосланган ғоялар илгари сурилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасида халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимий эътибор марказидаги биринчи даражали вазифа бўлиб келганлиги ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажаги алоҳида қайд этилди. Иқтисодиётнинг жўшқин ва барқарор ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш устувор вазифалар бўлиб қолмоғи керак. Шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва ислоҳ этиш юзасидан кейинги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Шу муносабат билан конференцияда халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш йўлида тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини, шунингдек банк-молия тизилмаларининг бозор ислоҳотлари жараёнларидаги кенг иштирокини таъминлаш масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

Тадбир иштирокчилари амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг қонунчилик асосларини таҳлил қилдилар. Конференцияда солиқ ва бюджет сиёсатининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини кучайтириш, хусусий мулкнинг ролини ошириш, рақобат муҳитини яратиш, банк-молия соҳасини янада ислоҳ қилиш, шунингдек, ривожланган бозор инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

Мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш юзасидан конференцияда таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Конференция ишида сенаторлар, вазирлик ва идоралар, давлат қўмиталари, бизнес тузилмалар, Марказий банк, тижорат банклари, жамоат ташкилотлари намояндалари, олимлар, экспертлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА)

Кучли давлатдан кучли жамият сари

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – АСОСИЙ ТАМОЙИЛ

Ҳаёт ҳамиша ҳаракатда. Уни бир зум тўхтатиб туриш ёки тарих гилдирагини орқага айлантиришнинг асло иложи йўқ. Жамият доимо олдинга интилаверади. У билан бирга, онг ҳам ўзгариб, ривожланиб боради. Лекин ҳеч бир замон онгни бир тузумдан батамом воз кечиб, иккинчисига ўтиш давридагидек ўзгартиришга муҳтож бўлмайди.

Ахир, тузумни ким ўзгартиради?

Одамми?

Ислоҳот ким учун?

Одамлар учунми?

Шундай экан, ўзгаришлар моҳияти инсон ва унинг манфаатлари билан бевосита боғлиқ. Ислоҳотлар масъулияти тўғридан-тўғри унинг зиммасига тушади. Шунинг учун Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ: **«Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун»,** деган масалани қатъий қўйган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам Юртбошимиз бу қатъият бундан кейинги стратегиянинг ўзагида туришини яна алоҳида таъкидлади.

2-бет

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

«Юртимиздаги сиёсий партиялар Президентликка номзод кўрсатяпти. Кўпномзодлиликнинг фуқаролар учун аҳамияти нима? Президентликка номзоднинг шахсига қандай талаблар қўйилади?

Ҳожимурод Мирсодиқов, пенсионер, Тошкент шаҳри».

Ушбу саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Мажидхон УСМОНОВ жавоб беради.

— Бу йилги сайловда Президентликка бир неча номзод кўрсатилиши, биринчи навбатда мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар тўғри йўналишда олиб борилаётганини кўрсатади. Номзодларнинг кўплиги мамлакатимиз тажрибасида илгари учрамаган. Маданиятимиз ва руҳиятимиз нуқтаи назаридан халқимиз тасаввурига бир қарашда унчалик сиғмаслиги ёки ғайриоддий бўлиб туюлиши мумкин. Аммо фуқаролик жамияти, демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган халқимиз бугун жаҳон ҳамжамиятида тўпланган илғор тажрибадан ўз ўрнида фойдаланаётгани намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан халқимиз кўппартиявийлик асосида ўз Президентини сайлар экан, ўз сиёсий иродасини ифода этади. Айни вақтда шуни таъкидлаш керакки, бугунги сайловлар жиддий демократик мактаб, бошқача айтганда, жамиятимизда шаклланаётган демократик тушунчаларнинг яққол ифодаси бўлади.

Энди бевосита номзодларнинг муқобиллик асосида кўрсатилиши сайловчига нима беради, деган масалага келадиган бўлсак, бу сайловчиларга танлаш, ўзи, мамлакат учун раҳбар, йўлбошчи саралаш имкониятини кенгайтиради. Иккинчидан, ҳар бир номзод ўзининг сайловолди дастурини эълон қилади. Ушбу дастурлар билан танишиш жараёнида фуқароларда нафақат номзоднинг шу кунга қадар бўлган фаолияти, балки бундан кейинги хаётимиз, келажагимиз ҳақидаги тасаввурлари, фикрлари, ислоҳотлар йўналиши ҳақидаги таклифлари билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Сиёсий партиялар ўртасидаги мунозаралар эса мамлакатнинг кейинги ривожланиш йўли, қайсидир соҳа оқсаётган бўлса, учраётган хато ва камчиликларни тузатиш масалалари ойдинлашишига хизмат қилади.

2-бет

Хайрия тадбири

МУРУВВАТ ЁРДАМИ

Мамлакатимизда «Қандим — Хаузак — Шоди — Қўнғирот» мегалойиҳасини муваффақиятли амалга ошираётган «Лукойл Оверсиз» компанияси хайрия ва ҳомийлик ишларига ҳам катта эътибор бермоқда. Чунончи унинг Ўзбекистон нефть-газ саноати фахрийларига, спорт ташкилотларига, тиббиёт марказларига, «Экосан» халқаро ташкилотига ва бошқа қатор ижтимоий ҳамда маданий ташкилотларга кўрсатаётган ёрдами бунинг тасдиғидир. Куни кеча Бухородаги 123-сонли махсус интернатда «Лукойл»нинг умумий қиймати 45 минг доллар бўлган хайрия ёрдамини топшириш тадбири бўлиб ўтди. Интернат тарбияланувчилари уй кинотеатри, спорт тренажёрлари ва анжомлари, иккита музлатгич ҳамда ўзлари учун энг зарур 200 та эшитиш аппаратини олишди. Мурувват ёрдами ва эътибордан беҳад қувонишган болалар миннатдорчиликларини ҳозирлаб қўйишган концерт номерлари ва ўз қўллари билан тикишган совғалари билан ифодалашди.

Алишер РЎЗИЕВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Кучли давлатдан кучли жамият сари

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – АСОСИЙ ТАМОЙИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр амри, объектив реалликдир. Айни пайтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир». Шунинг учун собиқ социализмдан воз кечган барча давлатлар ўтиш даврини бошдан кечиряпти. Буни биринчи бўлиб 1989 йил кузида икки Германия қўшилганидан кейин собиқ Германия Демократик Республикаси бошлаб берган эди. Бироқ бу ҳудудда ислоҳотлар нисбатан осон кечди. Чунки мамлакатнинг бир қисми ўша орзу қилинаётган тузумда яшаётган эди.

Мулк, асосан, давлатники бўлган, режали ишлаб чиқаришга асосланган, якка мафкура ҳукмрон социализмдан бозор иқтисодиётига асосланган тузумга — фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлатга ўтишнинг тап-тайёр қолипи, тажрибаси, босиб ўтилган равон йўли йўқ ва бўлмаган. Ана шунда Ўзбекистон раҳбари мамлакат учун ўтиш даврининг беш асосий тамойилини ишлаб чиқди. Вазият бу беш ўта муҳим қатъиятга изчил амал қилган ҳолда ислоҳотлар олиб боришни талаб қилар эди. Бу тамойиллар бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисидан келиб чиқади, бири иккинчисини тақозо этади, тўлдиради. «Ижтимоий ҳимоя йили» моҳиятини тушуниб олиш учун мазкур тамойилни алоҳида кўриб ўтиш керак бўлади. Мамлакатимиз раҳбари бу тамойилни кўп бор таҳлил этиб берган.

«Ижтимоий ҳимоя» сиёсий, яъни давлатшуносликка оид атама бўлиб, маъно жиҳатдан «кўпчиликни ҳимоя қилиш» деган тушунчани билдиради. Амалда аҳолининг, асосан, муҳтож ва ночор қатламини моддий ва маънавий ҳимоя қилишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига биноан, бундай тоифаларга қуйидагиларни киритиш керак: етимесирлар, муҳтож кимсалар, кам таъминланганлар, кўп болали оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, фахрийлар, пенсионерлар, ёш болали оналар, ёш оилалар, ёш келин-куёвлар. Ҳар қандай тузум ва жамиятда аҳолининг айни тоифалари у ёки бу даражада учрайди.

Халқ демократик партияси 2004 йил, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар арафасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласини ўзининг энг муҳим вазифаси этиб ўртага ташлади. Бу бежиз эмас эди. Чунки, у айнан аҳолининг нисбатан кам таъминланган қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи парламент партиясига ва электорат партиясига айланди. Қолаверса, партиянинг бу мақсади аҳоли муҳтож қатламини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларининг долзарблигидан келиб чиқди.

Мурод ОЛИМОВ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ,

ВА ИСИТИШ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҚИШГА

Долзарб мавзу

Пойтахтимизда ташкил этилган матбуот анжумани айни шу масалага бағишланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг матбуот хизмати раҳбари Шерзод Қудратхўжаев бошқарди. Анжуманда «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Ботир Тешабоев, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Ўктам Эшмуродов, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори Бахтиёр Раҳмонов ўз соҳаларида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш юзасидан шу кунгача олиб борилган ва олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборот бердилар. Маърузалардан сўнг соҳалар раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган савол-жавоблари қизғин кечди.

Қуйида ана шу очиқ, ошкора, холисона мулоқот тафсилотлари билан танишасиз.

Аввало таъкидлаш керак, кузги-қишки мавсум олдидан ҳар йили алоҳида тайёргарлик ишлари олиб бориш республикамизда яхши анъанага айланиб бормоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, маиший шароитини яхшилаш ҳамда қундалик эҳтиёжлари таъминотини кафолатлашга ҳукуматимиз алоҳида эътибор қаратиб келаяпти. Жумладан, Президентимизнинг шу йил 2 майда қабул қилинган **«Республика иқтисодиёти тармоқларини 2007-2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Қарор асосида республика иқтисодиёти тармоқларини 2007-2008 йиллар куз-қиш мавсумларига пухта ҳозирлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга эришишни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси ташкил этилиб, бутун диққат-эътибор бажарилиши лозим бўлган вазифалар ижросига, соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасига қаратилди. Дахлдор идоралар томонидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

— «Ўзбекэнерго» компанияси республикада электр энергиясининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчисидир, — деди анжуманда **«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Ботир Тешабоев.** — Унинг таркибига умумий ўрнатилган қуввати 12,0 млн. кВт дан ортиқ бўлган 39 та электр станцияси, шу жумладан, 10.6 млн. кВт бўлган 10 та иссиқлик электр станциялари киради. Электр тармоқ хўжалиги эса умумий узунлиги 236 минг километрдан зиёд барча кучланишдаги электр узатиш линиялари ва умумий қуввати тахминан 48 млн. кВА бўлган трансформатор нимстанцияларидан иборат.

Мамлакатимиз Президентининг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2007-2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида истеъмолчилар юкламасини пасайтириш (тартибга солиш) борасида қатор тадбирлар кўрилди. Компанияда «2007-2008 йилларнинг кузги-қишки юкламалар максимуми даврида кўп энергия олувчи истеъмолчиларнинг технологик жиҳатдан рухсат этилган оптимал иш режимларига риоя қилиш жадвали» ишлаб чиқилди. Газ тармоқларидан узиб қўйилиши мумкин бўлмаган корхоналар рўйхати ва куз-қиш даврида электр станцияларини ёқилғининг захиравий турларига ўтказиш чоралари белгиланди.

Соҳа корхоналари бўйича бугунгача ҳаммаси бўлиб 1624 та тадбир ишлаб чиқилган бўлиб, улардан 1262 таси бажарилди, қолган 362 та тадбир ҳам шу ойнинг охирига қадар ўз ижросини топади.

Савол: Белгиланган тартибга кўра таъмир ишлари тизимда фақат куз-қиш мавсуми олдидан бажариладими?

Жавоб: Йўқ, улар йил давомида узлуксиз бажариб борилади. Масалан, жорий йилнинг 9 ойи давомида бу ишлар учун режадаги 72,2 млрд. сўм ўрнига 78,9 млрд. сўм (109,3 фоиз) маблағ сарфланди. Асосий энергетик ускуналарнинг таъмири йиллик жадвалларга мувофиқ амалга оширилмоқда. Электр станциялари бўйича 9 та энергоблок, 2 та турбоагрегат, 20 та энергетик қозон ва 14 та гидроагрегат таъмирлаб бўлинди. Иссиқлик электр станцияларида зарур ҳажмдаги захиравий қаттиқ ва суюқ ёқилғи жамғарилмоқда. Бюджет соҳасидаги муассасаларга кўмир жўнатиш топшириғи 100 фоизга бажарилди. Республика товар ва хомашё биржаси (РТХБ)га аҳоли учун 185,5 минг тонна кўмир ажратилди ва шундан ҳозиргача 86 фоизи ўзлаштирилди. Электр тармоқларида 22,0 минг километр узунликдаги турли кучланишли электр узатиш линиялари таъмири ниҳоясига етди. Шу жумладан истеъмолчиларнинг катта қисмини электр энергияси билан таъминловчи тақсимлаш тармоқларида 0,4-6-10 кВ кучланишли 19,0 минг километрдан ортиқ узунликдаги линиялар таъмирланди. 2,4 мингта тармоқ трансформатори, 4,7 мингта трансформатор ва тақсимлаш пунктлари таъмири ҳам адо этилди.

ЎзХДП: сиёсий майдонда 16 йил

ЗАРБДОРЛИК САФДОШЛАР

ФАОЛИЯТИДАН ЧИЗГИЛАР

— Мен яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолигига қабул қилиндим, — дейди **Зарбдор туман «Пилла» идораси раҳбари Эътиборхон Орипова.** — Демак, бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўз фуқаролик ва партиявий позициямни намоён этаман.

Партия сафига ўтаётганимда туман кенгаши раиси Алиқобул Ўсканов билан анча суҳбатлашдик. У киши партиянинг ғоялари, мамлакатимиз сиёсий майдонидаги позицияси ва Дастурининг мазмун-моҳиятини чуқур тушунтириб берди. Менга ғоят маъқул ва манзур тушди.

— Мен ҳам, — суҳбатга қўшилди **туман маиший хизмат кўрсатиш идораси ходими Улуғбек Файзуллаев.** — ЎзХДПга аъзо бўлдим. Сайловда илк бор иштирок этаман. Бу менимча, ҳар бир фуқаро учун шарафли, албатта.

Яқинда туман партия кенгаши қошида ташкил этилган ахборот-услубий марказида ЎзХДП тарафдорлари билан учрашув бўлди. У ҳаммамизда яхши таассурот қолдирди. Шундан сўнг ўша кунлари 11 нафар фуқаро ушбу сиёсий куч сафига қўшилдик...

— Ўн кунлар олдин партиямизга янги қабул қилинган сафдошларимиз билан яна бир учрашув ўтказдик. Унда мамлакат Президенти сайловининг аҳамияти ҳақида тушунтиришлар бердик, — дея суҳбатга якун ясади **туман кенгаши раиси Алиқобул Ўсканов.** — Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юртимиз ҳаётида масъулиятли палла ва айни пайтда бу жараён партиямиз учун жиддий имтиҳон эканини истиқлол йилларида эришилган ютуқлар моҳияти асосида тарғиб қилишга ҳаракат қилдик. Жуда кўп саволлар тушди. Уларга фаоллар билан бирга жавоб бердик.

— ***Ўша саволлардан бирортаси ҳақида тўхталсангиз.***

— Масалан, Сафар Эрйигитов деган муаллим: «Кўппартиявийлик шароитида ўтаётган сайловда бешта сиёсий партиянинг мақсадлари ва қарашлари қандай?» — деб сўради. Саволга фаол сафдошимиз, тадбиркор Худоёр Оқмуродов жавоб берди.

— Мавжуд сиёсий партиялар Президентликка ўз номзодини кўрсатаяпти, — деди у. — Албатта улар ҳар бирининг ўз ғояси ва ўз сиёсий йўли бор. Аммо, сиёсий қарашлари, тутган йўли турлича бўлгани билан асл мақсадлари битта: Ватан равнақи, юрт ободлиги ва турмуш фаровонлиги ҳамда тинчликни сақлаш, мустаҳкамлаш ишига муносиб улуш қўшиш.

ЎзХДПнинг бугунги вазифаси, — деди у фикрига якун ясаб, — сайлов жараёнида шу ягона мақсадга эришиш учун ўз йўлини таклиф этиш ва ўзининг муқобил номзоди билан иштирок этиш.

— ***Яхши жавоб қилибди.***

— Ўзи ҳам маърифатли, ташаббускор инсон. Биласизми, яқинда у Бўстон шаҳарчасида тадбиркорлик туфайли йиққан маблағи ҳисобидан 2 миллион сўмга уй-жой қуриб, қаровчиси йўқ онахонга ҳадя қилди.

— ***Сайлов кампаниясида бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотларининг ҳам ўрни алоҳида...***

— Албатта. Туманимиздаги мавжуд 29 та БПТ ва 9 та ҳудудий ташкилотлари, партия фаоллари бу борада ўз вазифаларини белгилаб олган. Бўлиб ўтаётган учрашувлар, аҳоли билан мулоқотларда демократик сайловлар фуқаролар онгида мамлакат ҳаётига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришини аниқ мисоллар билан таҳлил қилиб берилмоқда.

●●●

«Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси» ва Мустақиллик нишонлари соҳиби камтарин суҳбатдошим — ЎзХДП вилоят, туман кенгаши Ижроия қўмитаси, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси ҳамда туман Кенгаши депутатидир. Қаторимизда ана шундай партия етакчилари борлиги қувонарли, албатта.

Замон АЛИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эндокринология илмий-текшириш институт билан ҳамкорликда мамлакатимизда жорий йилнинг 20 октябридан 20 ноябрига қадар «Қандли диабет — ҳаёт тарзи» шиори остида ойлик эълон қилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТДАН САҚЛАНИШ ОЙЛИГИ

— Мазкур ойликни ташкил қилишдан мақсадимиз, — деди анжуманда қўмитанинг фан, таълим, маданият ва тиббиёт масалалари бўйича раис муовини Муаллам Зуфарова. — Юртимиз аҳолиси орасида қандли диабет хасталигидан сақланишни тарғибот этишдир. Қўмитамиз эндокринолог мутахассислар билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятларда, олий ўқув юртлари, коллежлар, ҳарбий қисмларда, жамоат ташкилотларида белгиланган режа асосида суҳбатлар, семинарлар, спорт марафонлари ўтказади. Бу борада жойлардаги маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг тиббий билимини ошириш учун махсус ўқувлар ташкил қилинди. Улар энди миссиянинг тарғиботчиларига айланишди.

Қандли диабетга қарши курашиш, унинг олдини олишда аввало, маҳалла, оилаларда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ҳар бир фуқаро касаллик ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши муҳимдир.

Саида САЙХУН

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўппартиявийлик асосидаги сайловларнинг аҳамияти мана шунда.

Номзоднинг шахсига қўйилаётган талаблар ҳақидаги саволга жавоб бериш учун Конституциямизга мурожаат қилиш ўринлидир. Асосий қомусимиз ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сиёсий партия ёки ташаббускор гуруҳлар ўз номзодларини кўрсатишда қуйидаги талабларга риоя қилади:

номзод ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслиги, давлат тилини яхши билиши, сайловга қадар камида ўн йил мамлакат ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозим.

Бундан ташқари, қасддан содир этилган жиноятчи учун илгари судланган ёки ўзига нисбатан жиноий иш қўзғатилгани муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаро, шунингдек, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Президентликка номзод этиб рўйхатга олинмайди. Қонунда белгиланган талаблардан ташқари номзод халқ ишончини қозонган, эл-юрт орасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор киши бўлиши лозимлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Президент давлат раҳбаридир. Демак, Президентликка номзод мамлакат номидан халқаро майдонда ва республикада иш юритиш, сиёсий қарорлар қабул қила олиш қобилияти, салоҳиятига эга бўлиши керак. Бу барча халқлар, мамлакатларда мавжуд ёзилмаган талаблар сирасига киради. Барча мамлакатларда кечадиган сайлов кампаниясига эътибор берилса, шу нарса маълум бўладики, халқ номзодларнинг шахсияти билан жуда қизиқади ва энг кўп фазилатга эга, халқ манфаати учун самарали хизмат қилган номзодгагина овоз беради. Президентликка сайловлар сайловнинг бошқа турларидан кескин фарқ қилади. Халқ бўлажак Президентни ўз қалбидан ўтказади, амалга оширган ҳар бир ишини чамалайди ва ўз юрагидан жой олган номзоднигина сайлайди.

РАВОН ЙЎЛЛАР

Суратларда: *Оқдарё туман йўл қурилиш бўлими муҳандиси Рауф Исоқов, йўл қуриш муҳандиси Юсуф Жакпаров, вилоят инжиниринг компанияси мутахассиси Маҳмуд Абдураҳимов; йўл қурилиш ишчи ходимларидан бир гуруҳи.*

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

Самарқанд нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги кўҳна шаҳарлиги балки замонавий бинолари, кенг ва равон йўллари билан ҳам ажралиб туради. Мустақиллик йилларида бу муаззам шаҳар бунёдкорлик ишлари шарофати билан тобора ёшариб бормоқда.

Жорий йилда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан йўл қурилиши ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бинобарин, вилоят бўйича 32,7 километр масофадаги йўллар қайта қурилди, 20 километр узунликдаги йўлларда ўрта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, Самарқанд шаҳрида транспорт қатновини тартибга солиш мақсадида Шоҳи Зинда, Садриддин Айний ва Усмон Юсупов кўчалари бўйлаб қурилаётган кичик халқа йўли бу борадаги ишлар салмоғини янада оширди. Кичик халқа йўли қурилишининг биринчи босқичида Шоҳи Зинда ҳамда С.Айний кўчалари қайта қурилиб, тўла таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда Шоҳи Зинда кўчаси билан туташ — Улуғбек мавзесидан ўтган катта Тошкент трактига боғланувчи С.Айний кўчасида қурилиш, таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

— Илгари 9,25 метр кенгликда бўлган мазкур йўл ҳозир пиёдалар қатнови йўлаклари билан 30 метрга кенгайтирилмоқда, — дейди ***бош пудратчи — Оқдарё туман йўл хўжалиги пудрат, таъмирлаш ва фойдаланиш бўлими бош мухандиси Рауф Исоқов.*** *— Насиб этса, кичик халқа йўли қурилиши 2008 йилда ниҳоясига етади. Икки навбатда олиб борилаётган қурилиш, таъмирлаш ишларида ҳозир 200 нафардан зиёд йўлсозлар иштирок этишмоқда.*

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Навоий шаҳрида иш бошлаган «Бахт-текстил» Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонасида 1400 тоннага яқин пахта толаси қайта ишланди.

Корхонада тайёрланаётган сифатли калава ипга талаб тобора ортиб бораётир. Корхона бош директори Қобилжон Турсуновнинг айтишича, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан Европа давлатларига экспорт қилинмоқда. 200 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада барча шарт-шароит яратилган. Айни пайтда иншоотнинг иккинчи навбати ишга туширилиш арафасида турибди.

Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 12 минг тоннагача калава ип ишлаб чиқарилади. Ишчилар сони ҳам икки баравар ортади.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Бухородаги «Ўзкореямедикал» қўшма корхонаси ўз имкониятлари доирасини кенгайтирган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини ҳам кўпайтирмоқда. Корхонада республика маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини босадиган икки граммли, бир марта фойдаланиладиган шприцлар ишлаб чиқарила бошланди. Бунда асосий хомашё полиэтилен — «Шўртанкимё» мажмуаси маҳсулоти асқотяпти.

Қўшма корхона директори Санобар Астонованинг таъкидлашича, илгари корхонада 5 ва 10 граммли бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқариларди. Бу билан бозор талабини қондиришда мушкуллик сезилди. Натижада 2 граммли шприцлар ишлаб чиқариш билан ана шу «кемтик» ўрни тўлдирилади.

Ҳозир корхонада ҳар ойда 4-5 миллион донага яқин бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқариляпти, уларнинг тенг ярми 2 граммли шприцлар бўлиб, харидорлари хорижда ҳам кўп.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 12-Меҳрибонлик уйида болажонлар учун барча шарт-шароит яратилган.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да мазкур муассасага 80 миллион сўмликдан ортиқ ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Натижада муассаса биноси қайта таъмирланди. Замонавий компьютер ва ўқув жиҳозлари келтирилди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали спорт анжомлари совға қилди. Айниқса, Самарқанд автомобиль заводининг «Isuzu» автобуси тухфа қилингани болажонларнинг бир қувончига минг қувонч қўшди.

— Ҳомийларимиз сафи кенгайиб бормоқда, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Муҳаммад Норқулов. — Улар қаторида деновлик Жаббор Сатторов, бойсунлик Дилором Аҳмедова каби саховатпеша инсонлар ҳам бизга ёрдам қўлини чўзмоқда. Бу ерда тарбияланаётган ўғил-қизлар бир оила фарзандларидек, ҳеч нарсага зориқмасдан улғаймоқда. Муҳими, улар эътибор ва ғамхўрлик оғушида, меҳр-мурувватдан кўнгиллари шод.

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири

ГАЗ ТАЪМИНОТИ

ТАЙЁРГАРЛИГИ ҚАНДАЙ?

Савол: Ҳозир компания корхоналари ва ташкилотларида энергетика ускуналарини қишга тайёрлашнинг қайси босқичи давом этаяпти?

Жавоб: Якуний босқичи. Тизимдаги ҳамма жамоалар тўла сафарбар этилган. Барча электр станциялари энергия ишлаб чиқаришнинг белгиланган параметрларини бажаришга шай. Бир сўз билан айтганда, компаниямиз истеъмолчиларга шартномавий мажбуриятлар асосида доим бир текис, бир меъёрда электр энергияси етказиб беришга ва ўз фаолиятлари барқарорлигини таъминлашга қодир...

Анжуманда аҳолини газ, иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётгани ҳақида гап кетганда савол-жаволар кўп бўлди.

Савол: Одатда қиш мавсумида баъзи жойларда газ босими талаб даражасидан камайиб кетиб, аҳолидан таҳририятларга шикоятлар туша бошлайди. Бир жойда босим яхши бўлса-да, бир жойда пасайиб кетади. Босимни ҳамма жойда тенглаштириш борасида ҳам чора-тадбирлар кўрилаяптими?

Мазкур саволга «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Ўктам Эшмуродов жавоб қилди.

— Барча газ тармоқларини синовдан ўтказиб, газ тақсимлаш ускуналарини ревизия қилиб бўлдик. Босимни режимга тушириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жойларда — аҳоли манзилгоҳларида газни бир меъёрда тенглаштириш учун газ тақсимлаш ускуналарига яқин хонадонлар билан охирроқдаги хонадонлар назоратини ташкил этдик. Барчасига қаҳратон совуқ кунларда ҳам газни бир текис етказиб бериш учун тармоқлар мукаммал таъмирдан ўтказилди. Ҳамма ҳудудларда қишда ҳам ҳозирги иссиқ-илиқ кунлардагидек босим маромни сақланиб қолинади. Қисқаси, одамлар олдинги айрим йилларда баъзи субъектив сабаблар билан юз берган ҳолатлардагидек газ таъминотида бу йил ҳеч бир зориқиш сезмайдилар. Хонадонлар соҳиблари билан тузилган шартномага амал қилишга тўла кафолат бор.

Бироқ, газдан ўғринча фойдаланаётган, пулини тўлашга келганда эса тескари қараётган истеъмолчилар ҳам йўқ эмас... Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун нафақат газ идоралари ходимлари, балки бутун жамоатчилик оёққа туриши керак...

Савол: Газ ва электр энергияси миқдорини ҳисоблаш ускуналари хонадонларга тўла ўрнатиб бўлинганми?

Жавоб: Ҳали тўла эмас... Республика бўйича 5 миллион хонадонда счётчик — ҳисоблагичлар ўрнатилиши керак. Дастлабки кезларда бу ускуна 25-30 минг сўмга тушаётувди. Бу йил эса 23 минг сўмга тушди. Уни биз ҳозирча Хитойдан олаяпмиз... Келтирилганлари пешма-пеш ўрнатиб берилаяпти...

Савол: Мамлакатимиз шимоли — Қорақалпоғистон Республикасида газ қувурлари таъмири ниҳоясига етганми?

Жавоб: Бу ҳудудда бу йил 158,4 километр масофада газ қувурлари мукаммал таъмирдан чиқарилиши кўзда тутилган эди. Газчилар эса бу кўрсаткични 170,7 километр узунликда (107,8 фоиз) бажаришди. Умуман олганда, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ер остидан ўтказилган 1508,4 километр узунликдаги газ тармоқлари тўла таъмирдан чиқарилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори Бахтиёр Раҳмонов саволларга жавоб бераркан, шундай деди:

— Куз-қиш мавсумининг муваффақиятли ўтиши, турар жойлардаги, айниқса, кўпқаватли уйлардаги умумий фойдаланиш жиҳозларининг бенуқсон ишлаши, атроф-муҳит мусаффолиги, тозалик ва озодалик таъминоти давлат ёки коммунал хизмат кўрсатиш идоралари билан бирга, уларда истиқомат қилувчи одамларнинг ўзига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Буни ҳам унутмаслик керак.

✧✧✧

Йилнинг куз-қиш мавсуми олдидан мазкур йўналишларда тайёргарлик ишларининг олиб борилиши ҳақидаги анжуман анъанага кўра очиқ, ошкора ва холисона ўтди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЁШ ОИЛАЛАРГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни камол топтириш, ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя этиш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга тобора катта эътибор берилмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ, шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш борасида қатор имкон ва имтиёзлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ана шу эзгу мақсадларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ушбу Фармонда ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари ажратиб бериш тартиби аниқ белгиланган. Жумладан, имтиёзли ипотека кредитларининг муддати 15 йилгача, 3 йиллик имтиёзли давр билан, йиллик тўлов 5 фоиз миқдорида, бошланғич бадали мулкнинг бошланғич миқдоридан 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан бадал тўлаш шартлари билан ажратилмоқда.

Бу эътибордан ёш оилалар, айниқса, кам таъминланган оилалар мамнун бўлишмоқда. Ўтган йили бир қўшнимиз — ёлғиз аёл ўғлини уйлантирган эди. Маҳалла-кўй қўлдан келгунча ёрдамлашгандик. Лекин икки ўғил, бир қиз билан икки хонали уйда яшаб келаётгани учун бу ёғига нима қиламан, уй қуришга ёки сотиб олишга қурбим етмаса, деб ташвишда эди. Куни кеча хурсанд бўлиб айтиб қолди, ўғли ипотека кредити олибди. «Елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди, шундай савобли ишларни амалга ошираётган ҳукуматимизга раҳмат!».

Дарҳақиқат, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Н.ШОҲНАЗАРОВА.

Қарор ва ижро

ПУЛНИНГ БАНКДАН ТАШҚАРИ МУОМАЛАСИ

ҚАНЧАЛИК ҚИСҚАРСА, ДАВЛАТ ҲАМ, АҲОЛИ ҲАМ ШУНЧАЛИК КЎП МАНФААТ КЎРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2002 йил, 5 август) қарори давлат солиқ идоралари зиммасига катта масъулият юклаган. Янгийўл туман Давлат солиқ инспекцияси жамоаси мазкур қарор ижроси йўлида ўша кезларданоқ, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ҳокимият ҳузурида ташкил этилган махсус комиссия ишида тезкор фаолият бошлади. Ҳududдаги чакана савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан ойига икки мартадан семинар-йиғилишлар ўтказилиши анъана тусини олди. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва аҳоли гавжум жойларда эса ҳар ҳафтада бир маротабадан учрашувлар ташкил этилди.

Натижада, қарор моҳиятини одамлар тўғри тушуниб етишди ва пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирларига масъулият билан ёндаша бошладилар. Бугунги кунда туманда 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра нақд пул топширадиган хўжалик юритувчи субъектлар сони 309 тага етди. Ўтган йилнинг шу даврида эса улар сони 279 та эди.

Комиссия ҳар ой учун нақд пул режа топшириғини белгилаган бўлиб, унинг бажарилишини қатъий назоратга олган. Ҳар бир корхона ва шохобчаларда терминаллар ўрнатилди. Уларда савдо тушумларини банк кассаларига кирим қилиш жараёнлари ижроси, таҳлили ва ўсиш динамикаси мунтазам ўрганилмоқда. Масалан, 2006 йилнинг январь-сентябрь ойларида банкларга 7521460 минг сўм савдо тушуми кирим қилинган бўлса, 2007 йилнинг шу даврида 10068114,0 минг сўм (ёки 2006 йилга нисбатан 2546654,0 минг сўмга кўп) киримга эришилди.

Белгиланган топшириқни бажармаган хўжалик юритувчи субъектларда ДСИ ходимлари томонидан хронометраж (мониторинг) ўтказилиб, бажарилмаслик сабаблари таҳлили ҳақида туман ҳокимиятига тақдимномалар бериб борилмоқда. Чунончи, мана бу хронометражга эътибор беринг:

Жами нақд пул тушумига эга бўлган шохобчалар сони	2006 йил январь-сентябрь ойларида ўтказилган хронометраж		2007 йил январь-сентябрь ойида ўтказилган хронометраж		Фарқи	
	Сони	Тушуми (минг сўм)	Сони	Тушуми (минг сўм)	Сони	Суммаси (минг сўм)
309	388	7150,0	340	17330	-48	+10180,0

Кўриниб турибдики, 2006 йил январь-сентябрь ойида тумандаги нақд пул тушумига эга хўжалик юритувчи субъектларнинг 388 та шохобчасида хронометраж ўтказилиб, савдодан нақд пул тушумини 7150,0 минг сўмга кўпайишига эришилган. 2007 йил январь-сентябрь ойларида эса тумандаги нақд пул тушумига эга хўжалик юритувчи субъектларнинг 340 та шохобчасида хронометраж ўтказилиб, савдодан нақд пул тушуми 17330,0 минг сўмга кўпайган. Ёки 2006 йилнинг мос даврига нисбатан 48 та хўжалик юритувчи субъектлари шохобчаларида кам хронометраж ўтказилган бўлса ҳам, савдо тушумини банк муассасаси кассаларига топширилиши 10180,0 минг сўмга ошгани кузатиляпти.

2007 йилнинг 9 ойи давомида 48 та қисқа муддатли текширувлар ўтказилиб, текширувларда 36 та ҳолатда назорат касса машинаси ўрнатилмасдан 0,01 млн. сўмлик савдо бўлганлиги, 9 та ҳолатда банк муассасасига 0,2 млн. сўм савдо пули топширилмаганлиги, 33 та ҳолатда эса 2,9 млн. сўмлик кирим қилинмаган товарларнинг сотилишига йўл қўйилганлиги аниқланган ва 17,0 млн. сўм молиявий жарима қўлланилган. Маиший хизмат ва савдо қоидаларини бузганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига қонуний чора кўришлик учун 16 таси туман судига, 5 таси Ўзбекистон Республикаси «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш» Департаменти Янгийўл туман бўлимига қонуний чора кўришлик учун юборилди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг 30 нафар мансабдор шахслари 1,5 млн. сўмлик маъмурий жаримага тортилдилар.

Бир сўз билан айтганда, туманда пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Бу, шубҳасиз, туман ҳокимияти билан тегишли барча савдо ташкилотлари, идоралар ва муассасаларнинг, жумладан, туман Давлат солиқ инспекцияси жамоаларининг ҳамкорликда олиб бораётган мақсадли саъй-ҳаракатлари натижасидир.

Исмоилхўжа САИДКАМОЛОВ,
Янгийўл туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

ЯНГИ БОЗОР ҚУРИЛМОҚДА

Мамлакатимиз Президенти шу йилнинг июнь ойида Бухоро шаҳридаги «Сомоний» деҳқон бозорида бўлганларида, у замон талабларига мутлақо жавоб бермаслигини таъкидлаган ва зарур маслаҳат ҳамда йўл-йўриқлар берганди. Бугун бозор қайта тикланмоқда. Қисқа муддат ичида қурувчилар томонидан 3 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

— Ўн гектардан ошиқ майдонда ҳавас қилса арзигулик янги замонавий савдо мажмуасини бунёд этишда, — дейди бозор дирекцияси раҳбари Насриддин Тилавов, — бош пудратчи ташкилот — «2-Вилоятжамоақурилиш» ҳиссадорлик жамияти уюшмаси таркибига кирувчи қурувчилар жамоалари ва «Бухоромахсусқурилиш», «Бухорогазсаноатқурилиш» акциядорлик жамияти жамоалари жонбозлик кўрсатишяпти...

Бозор Бухоро иқлими ва миллий меъморчилик анъаналарига мос лойиҳа асосида қад ростламоқда. Унинг расталари, павильонлари сотувчиларнинг ҳам, харидорларнинг ҳам эҳтиёжларига тўла жавоб беради.

(Ўз мухбиримиз)

Иқтисодиёт ва ислоҳот

МОДДИЙ МАДАД – ТАРАҚҚИЁТГА ҚАНОТ

«ЎзМИЛЛИЙБАНК»НИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ ФАОЛИЯТИДАН

Молиявий муассасаларнинг фаолияти кўнгилдагидек йўлга қўйилган жойда иқтисодий ўсиш, тараққиёт кўзга ташланади.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Жиззах бўлимининг вилоят иқтисодиётини кўтариш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаси яққол мисол бўлиши мумкин. Айниқса, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Чунончи, шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслардан 968 тасига имтиёзли кредитлар берилганлиги фикримиз исботидир. Уларнинг асосий қисми чорвачиликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, тикувчилик, миллий ҳунармандчилик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилди. Жорий йилнинг шу даврига халқ хўжалигининг турли тармоқларига жами 9 млрд. 129 млн. сўмдан зиёд қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Масалан, кичик бизнес субъектларидан бири «Жасур-А» хусусий фирмасига 15,6 млн. сўм узоқ муддатли қарз берилди.

— Кредитдан самарали фойдаланаяпмиз, — дейди хусусий корхона раҳбари Абдуқодир Ботиров. — Кўпдан буён ўз ишимни йўлга қўйсам, паррандачиликни ривожлантирсам, деб орзу қилиб юрардим. Миллий банкка мурожаат этганимда режаларимни маъқуллашди ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашди. Олинган қарз эвазига мингта зотли товуқ сотиб олдик. Етти нафар йигит-қизга иш ўринлари яратилди. Ишларимиз чакки эмас. Ҳар куни Жиззах шаҳри аҳолисига 800-900 дона сифатли тухум етказиб беряпмиз. Айтгандай кредитнинг устама фоизларини вақтида қайтариб, қарзнинг анча қисмини қопладик.

Жиззах вилояти бўйича 11 та туманда Миллий банк вилоят бўлими томонидан 2007 йил давомида хўжалик субъектларига жами 4,14 га. ер майдонида замонавий иссиқхоналар қуриш учун жами 337,5 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган. Бугунги кунда ушбу иссиқхоналарда иш қизғин.

Банк бўлими томонидан йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам катта эътибор берилаяпти. Шу ўринда Зафаробод тумани ҳудудида жойлашган «DRV PRODUCT» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси фаолиятини олайлик. Бу корхона мазкур банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантириб бораяпти.

— Мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган цех ташкил этишни кўпдан ўйлаб юрардим, — дейди қўшма корхона раҳбари Зоҳид Омонов. — Лекин бунинг учун каттагина маблағ зарурлигини билардим. Шу боис Миллий банкнинг Жиззах вилоят бўлимига мурожаат қилдим. Қисқа муддатда барча ҳужжатларни тайёрлашга кўмаклашишди ва бизга 170 млн. сўм кредит ажратишди. Италиялик ҳамкорларимиз ҳам қараб туришмади. Банкдан олинган қарз ва шерикларнинг инвестицияси туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, консервалаш цехини ишга туширдик. Италиядан замонавий ускуналар, линиялар олиб келиб ўрнатдик. Бугунги кунда қадоқлаш линияси ҳам ишлаб турибди. Маҳсулот шартли банкаларга қадоқланиб, харидорларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Банкдан олинган қарзнинг устама фоизлари ўз вақтида тўланаяпти.

Вилоятдаги тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида кўплаб тадбиркор аёллар банк томонидан берилган микросармояларни аллақачон хайрли ишларга йўналтира бошлашди. Жумладан, банкнинг вилоят бўлими мижози Шоҳсанам Муродова тикувчиликни ривожлантириш ва маҳалласидаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида 3 миллион сўмлик кредит сўради. Ушбу дастлабки сармоя ҳисобига у тикувчилик машиналари ва асбоб-ускуналар сотиб олди. Ҳозир Шоҳсанам ва унинг шогирдлари тикиб тайёрлаган маҳсулотлар анча харидоргир. Жиззах шаҳридаги Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи кам таъминланган фуқаро Нортожи Йўлдошева банкдан олган 750 минг сўм кредити эвазига иккита қорамол харид қилди. Айни пайтда бу оила чорвачилик маҳсулотларидан бахраманд бўлмоқда.

Банк бўлими янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг «Агроминтех» кўргазма-савдосида жиззахлик тадбиркор ҳам хорижий шериклар билан илғор технологиялар етказиб бериш юзасидан қатор шартномалар тузишди. Миллий банк кредит линияси орқали тўқиз-та фермер хўжалигига жами қиймати 227,3 млн. сўм бўлган «МТЗ-82,1» ва «МТЗ-80Х» тракторлари олиб берилди. Шунингдек, ушбу кўргазма-савдоси доирасида имзоланган шартномалар асосида банкнинг Мирзачўл филиали томонидан Жавлон Жўраев раҳбарлигидаги «Гагарин маъданли суви» хусусий корхонасига маъданли сувни қадоқлаш ускуналарини сотиб олиш учун умумий миқдори 45,2 млн. сўмлик сармоя ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 18 майдаги Фармони ижросини таъминлаш бўйича ёш оилаларга 53,2 млн. сўмлик ипотека кредитлари, 13,5 млн. сўмлик истеъмол кредитлари ва 41,6 млн. сўмлик имтиёзли микрокредитлар берилди.

Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маиший техника воситалари, мебеллар ва уй-рўзғор буюмларини сотиб олиш учун 36,6 млн. сўмлик истеъмол кредитлари ва сўм пластик карточкалари орқали қарийб 25 млн. сўмлик овердрафт кредитлари тақдим этилди.

Пахтакор туманидаги Бўстон шаҳарчаси ҳудудида ташкил этилган минибанкнинг беминнат хизматидан одамлар мамнун. Ҳозирги пайтда у 34 та фермер хўжалигига намунали банк хизматини таклиф этмоқда. Банк хизматларини аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида Зомин туманининг Автосавдо корхонаси қошида яна битта минибанк очилди. Дарвоқе, банк бўлимининг Пахтакор ва Мирзачўл туман филиаллари томонидан 565 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатилмоқда.

Аҳолини қиш мавсумида ҳам сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қурилиш қиймати 502,3 млн. сўмлик 19 та лойиҳани молиялаш учун банк кредитлари ажратиляпти. Ҳозиргача банкнинг 337,5 млн. сўмлик кредит маблағи ана шу мақсадга қаратилди.

Манфаатли шартлар асосида таклиф этилаётган миллий валютадаги ўндан ортиқ турдаги омонатлар аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкка жалб қилишда асосий омил бўлмоқда. Шунингдек, «WESTERN UNION», «Азия экспресс», «Контакт», «Мигом» тизимлари бўйича аҳолига хизматлар кўрсатилаётир.

Буларнинг барчаси банк бўлими мижоз учун, унинг манфаатлари учун ишлаётганлигидан далолат беради.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ЎТМИШДОШИНИ АВФ ЭТДИ

Филиппин президенти Глория Арройо ўз ўтмишдоши, бир неча ҳафта муқаддам коррупцияда айбланиб, умрбод қамоққа ҳукм этилган Жозеф Эстрадани бутунлай авф этди. Арройо вакилининг маълум қилишича, собиқ президент бундан буён мамлакатда бирон-бир сайланадиган лавозимга ўз номзодини қўймаслик мажбуриятини зиммасига олганидан сўнг авф этилган. Шуни айтиш керакки, Филиппинда ёши 70 дан ошган барча маҳбусларни озод этиш амалиёти қабул қилинган. 70 ёшга тўлган Эстрада ҳам ана шу амалиёт доирасида озодликка чиқарилди. Мамлакатнинг ўзида Арройонинг қарорига нисбатан турлича муносабат билдирилмоқда. Чунончи, сўллар фаоли Хосе Дизоннинг айтишича, Эстрада билан бирга, порахўрликда айбланаётган ҳозирги маъмурларнинг «сиёсий жон сақлаб қолиши» учун авф этилган.

Эслатиб ўтамиз, кўпгина киноларда «қашшоқлар қаҳрамони» ролини қойилмақом ижро этган киноактёр Эстрада 1998 йилда Филиппин президенти этиб сайланган эди. Эътиборли томони шундаки, ўшанда у мамлакат тарихида рақибларидан жуда катта устунликда ғолиб чиққан. Лекин орадан уч йил ўтгач, президент-киноактёр пора олишда айбланиб лавозимидан четлатилган.

ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАДИ

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр Random House нашриёти билан ўз эсдаликларини чоп этиш юзасидан шартномани имзолади. Нашриёт вакиллари китоб учун Блэрга қанча пул тўланиши, асарнинг қачон чиқиши хусусида бирон-бир маълумотни беришмаган. Тахминларга кўра, қаламҳақи бир неча миллион фунт стерлингни ташкил этиши мумкин.

БИНО БУЗИБ ТАШЛАНДИ

Сурия маъмурлари 6 сентябрда Исроил қирувчи самолётлари ҳужумига учраган ва ядро реактори биноси деб тахмин этилаётган иншоотни бузиб ташлаган. Йўлдош орқали олинган янги суратда бинонинг бузиб ташлангани кўзга ташланади. Шунингдек, унда насос станцияси ва реактор мавжудлиги ҳақидаги исботларни йўқ қилишга уринмоқда. Унинг тахминларига кўра, Исроил авиаҳужуми бино томини тешиб юбориши натижасида унинг ичидаги жами асбоб-ускуналар жосус самолётлар ва йўлдошлар назарига тушиб қолиши хавфи туғилган.



Акторни боғловчи қувурлар қазиб олинганидан сўнг қолган ариқ излари ҳам кўриниб турибди. Сурия маъмурлари иккинчи реактор мавжудлиги ҳақидаги исботларни йўқ қилишга уринмоқда. Унинг тахминларига кўра, Исроил авиаҳужуми бино томини тешиб юбориши натижасида унинг ичидаги жами асбоб-ускуналар жосус самолётлар ва йўлдошлар назарига тушиб қолиши хавфи туғилган.

МУСОБАҚАЛАР ЖАДВАЛИГА ТАЪСИР ЭТАДИ

Халқаро Олимпиада Қўмитаси ифлосланган ҳаво 2008 йилда Пекиндаги Олимпиада мусобақалари жадвалининг бузилишига сабаб бўлиши мумкинлигини маълум қилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Хитой пойтахтидаги атроф-муҳит ҳолати юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларига қараб шундай хулосага келган.

Пекин ҳавосидаги зарарли моддаларнинг меъёрдан кўплиги очиқ майдонларда ўтказиладиган айрим тадбирларнинг бир ёки икки кунга сурилишига олиб келиши мумкин, бу эса ўйинлар жадвалини издан чиқаради. Бундан ташқари, Халқаро Олимпиада Қўмитаси мусобақаларнинг бир қисмини очиқ майдондан ёпиқ залларга ўтказиши ҳам мумкин. Қўмита вакилларининг таъкидлашича, ҳаво тозалиги Олимпиада — 2008 ташкилотчиларининг ҳозирча уддалай олмаётган амалдаги ягона муаммосидир.

Хитой маъмурлари 2001 йилдан буён шаҳардаги зарарли моддалар миқдорини пасайтириш дастури бўйича сарфлаган 12 миллиард АҚШ долларидан ортиқ харажат, шу мақсад йўлида амалга оширилган ишлар ҳозирча кутилаётган натижани бергани йўқ.

Хорижий манбалар асосида Шаҳноза РЎЗИЕВА тайёрлади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «BAN KOMPUYTING» масъулияти чекланган жамияти (КОД ОКПО 19143216)

ТУГАТИЛАДИ.

Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уйда қабул қилинади.

Телефон: 132-00-97.

Спорт

«ЧЕМПИОНЛИК СИРЛАРИ»

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жорий йилда кенг китобхонлар оммасига Асрор Мўминнинг «Chempionlik sirlari» китобини тақдим этди.

Китобхонлар Асрор Мўминни шоир ва спорт журналисти сифатида яхши билишади. Унинг спорт мавзусидаги шеърларидан саралаб тартиб билан берилган «Қалбингда Алпомиш яшасин» (2004) китоби чоп қилинган. Шунингдек, спорт мавзусига оид туркум шеърлари «Саккизинчи мўъжиза» (2007) китобига ҳам киритилган. У Давид Куғултиновнинг «Шоҳмотчи» (2003) достони ва Виктор Васильевнинг «Таль тилсимоти» (2004) қиссасини ўзбек тилига ўгирган.

Юртимиз спортининг мустақиллик йилларида эришган оламшумул муваффақиятларига бағишланган таҳлилий мақолалари, «Президент. Спорт. Галаба!» (2001) ва «Сенинг юлдузларинг, Ватан!» (2002) номлари билан китоб ҳолида нашр этилган. У «Юнусобод теннис клуби» (1999), «Ўзбегимнинг баҳодири» (2001) каби тўпламларнинг ҳаммуаллифидир.

Асрор Мўминнинг навбатдаги «Chempionlik sirlari» китобида машҳур спортчиларимиз — шоҳмот бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, профессионал бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев, ўзбекистонлик қизлардан биринчи бўлиб шоҳмот жаҳон биринчилигида совриндорлар қаторидан ўрин олган Юлдуз Ҳамроқулова, шунингдек, жаҳон спорт юлдузлари — таниқли футболчилар Роналдо ва Зайниддин Зидан, баскетболчи Арвидас Сабонис, теннис маликаси Мария Шарапова ҳаёти ҳамда спорт фаолияти ҳақида қизиқарли мақолалар берилган.

Ушбу китоб спорт мухлисларига, айниқса, машҳур спортчилардан ибрат олиб, камолат сари интилаётган ёшлар учун ажойиб совға бўлади. «Chempionlik sirlari» китоби лотин алифбосида нашрдан чиқарилган.

«ЎЗИМИЗНИ ҒОЛИБЛАР САФИДА, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ»

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида мини футбол бўйича журналистлар ўртасида «Sport» ва «O'zbekiston futboli» газеталари соврини учун Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий турнир ҳал қилувчи паллага кирди.

Мусобақанинг «D» гуруҳида қатнашган тахририятимиз ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бирлашган «Ўзбекистон овози» жамоаси учрашувларни муваффақиятли бошлаган эди. Дастлаб «Sport» TV жамоаси билан дуранг (3:3) ўйнаган ҳамкасбларимиз иккинчи учрашувда «Ҳордиқ» футболчиларини йирик ҳисобида (8:2) мағлубиятга учратишди. Сўнгра охирги ўйинда гуруҳ пешқадами «Ўзбекистон футболи» билан дурангга (6:6) эришган вакилларимиз чорак финал йўлланмасини қўлга киритдилар.

Кеча ўтказилган чорак финал баҳсларида «Ўзбекистон овози» жамоаси «Маърифат» газетаси вакилларига қарши майдонга тушди. Учрашувнинг илк дақиқаларидан ташаббусни қўлга олган футболчиларимиз кетма-кет икки бора рақибларини ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур қилишганди. Бироқ иккинчи бўлимда «Ўзбекистон овози» жамоасининг йўл қўйган хатоларидан унумли фойдаланган маърифатчилар дарвозамизни уч маротаба аниқ нишонга олиб, ғалабани «илиб» кетишди.

Чорак финалнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: МТРК — ЎзДЖТУ — 5:4, «Наврўз» FM — «Жамият» — 4:1, «Ўзбекистон футболи» — «Машъал-Садо» — 6:2.

— Турнирда илк маротаба иштирок этишимиз, — дейди «Жамият» жамоаси ўйинчиси, журналист Зокир Худойшукуров. — Шунга қарамай гуруҳ баҳсларида муваффақиятли тўп суриб, чорак финалга чиқдик. Гарчи ушбу босқичда «Наврўз» FM жамоасидан енгилган бўлсак-да, ўзимизни ғолиблар сафида, деб ҳисоблаймиз. Чунки турнир баҳонасида анчадан бери учрашмаган ҳамкасб дўстларимиз билан кўришдик. Эътиборлиси, жамоамиз аъзолари билан мусобақадан сўнг, ҳар ҳафтада бир маротаба стадионда учрашиб машғулот ўтказишга келишиб олдик. Бу бир томондан ижодий ходимларни чиниқтирса, иккинчидан ўзига хос жамоани шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Ўйлайманки, келгуси мусобақаларда албатта кучлилар қаторидан жой оламиз.

Бугун ўтказиладиган ярим финал баҳсларида МТРК — «Маърифат», «Наврўз» FM — «Ўзбекистон футболи» жамоалари ўзаро куч синашадилар.

Мусобақанинг финал учрашуви эртага бўлиб ўтади. Ғолиб ва совриндорларни ташкилотчи ҳамда ҳомийлар томонидан ҳозирлаб қўйилган кубок, медаллар ва қимматбаҳо совғалар кутмоқда. Шунингдек, турнирнинг энг фаол ва маҳоратли ўйинчилари ўнлаб номинациялар бўйича муносиб тақдирланадилар.

Эркин ХОЛБОБО.

Суратда: *мусобақадан лавҳа.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Фанимиз фидойилари

ҲИКМАТ ЯРАТГАН ОЛИМ

Халқда теран дарёлар сокин оқади, деган гап бор. Педагогика фанлари доктори, профессор Нарзиқул Шодиев ва унинг ҳаёт йўли ҳақида ўйлаганда, шу ҳикмат хаёлдан ўтади. Нега десангиз, устознинг илму зиёсидан қанчалаб ёшлар баҳраманд бўлган, яна қанчаси бугун унинг ибрат йўлини давом эттиришмоқда.

Профессорнинг ҳаёти ҳам ўзи каби камтарона ва оддий. Самарқанд давлат университетининг физика факультетида таълим олган. Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида хизмат қилиб, илмий тадқиқот олиб борган.

Нарзиқул Шодиев педагогика фанининг долзарб муаммоларига бағишлаб 250 га яқин илмий мақола, қўлланма ва монография чиқарган. Унинг «Ўқувчи ёшларни касбга йўналтириш ва бу ишга олий ўқув юртлари талабаларини тайёрлаш» ҳақидаги ўқув дастури амалиётда қўлланиб келинмоқда. Шунингдек, у Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш билан боғлиқ касбга йўналтириш, янги педагогик технологиялар предметлари бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда маъруза матнлари, ўқув қўлланмалар тайёрлашда фаол иштирок этиб келади.

Айни пайтда Нарзиқул Шодиев мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган номзодлик, докторлик махсус ихтисослашган кенгашлари аъзоси ҳамда Олий Аттестация комиссиясининг педагогика-психология фанлари бўйича эксперти сифатида илмий-педагогик кадрлар тайёрлашишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

У кўп йиллар давомида Самарқанд давлат педагогика институтида ишлади, ҳозир Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети педагогика кафедраси мудири, кўп ёшларнинг устози.

Нарзиқул Шодиевни мактаб яратган олим десак муболаға бўлмайди. Чунки унинг раҳбарлигида кўплаб ёшлар илмда ўз йўлини очган. Бугун турли жабҳаларда хизмат қилиб келаётган М.Қуронов, М.Лутфиллаев, А.Аҳроров, Э.Рўзиев, У.Отажонов, Б.Ўрозов, А.Абдуманнонов, Б.Дониёров каби иқтидорли олимлар унинг собитқадам шогирдларидир.

Нарзиқул Шодиевнинг фарзандлари ҳам ота изидан бормоқда, ўғли Рустам мактабларда масофадан ўқитиш муаммолари бўйича илмий тадқиқот олиб бораётир, қизи Саодатхон Тошкентдаги ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти илмий ходими.

Биз бу инсон ҳаётини бежиз дарёга қиёс этмадик. Маҳмуд Қошғарий: «Ўғлим, сенга мерос қилиб эзгу хулқ қолдираман. Агар илмли, ақлли одамларга йўлиқсанг, уларга яқинлаш, улардан фойдалан», — деб зурриёдига насиҳат қилган. Педагогика ривожига ҳисса қўшиб келаётган устоз Нарзиқул Шодиев ана шу ҳикматга амал қилиб, кам бўлмади. Эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди.

Шариф ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Абдумажид АБДУМАННОНОВ,
педагогика фанлари номзодлари

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 949
7860 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 22.20
1 2 3 4 6
Sotuvda erkin narxda

Болалар спорти



Наманган вилоятида от спорти йил сайин ривожланиб бормоқда. Бу борада вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасига қарашли болалар ва ўсмирлар от спорти мактаби жамоасининг фаолияти таҳсинга лойиқ.

Беш нафар малакали мураббий бошчилигида ёшлар спортнинг ушбу тури билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Улар турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан ўрин олишмоқда.

Уч марта Марказий Осиё чемпиони, Ўзбекистон чемпионатининг кўп карра ғолиби Сергей Шмелев ҳозир спорт мактабида тўқсон икки нафар ёш чавандозга мураббийлик қилмоқда. У ўз шогирдлари Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Янна Павлова, Умиджон Комилов ва Владимир Шмелевлар билан ҳақли равишда фахрланади.

— Айни кунларда спортчиларимиз мамлакат биринчилиги баҳсларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда, — дейди мураббий Сергей Шмелев.

Суратда: тажрибали мураббий Сергей Шмелев шогирди Умиджон Комилов билан.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

«POYTAXT AUKSION»
давлат унитар корхонаси

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2007 йил 29 сентябрь сонидаги эълонда кўрсатилган Тошкент кичик ҳалқа йўли ва Қосимхўжаев кўчаси кесишувида жойлашган, сатҳи 0,037 га. бошланғич нархи 2 208 900 сўм бўлган ер участкаси бўйича ўтказиладиган аукцион савдолари Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2007 йил 24 октябрдаги ажримига мувофиқ вақтинчалик тўхтатилганлигини маълум қилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

Қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд шаҳрида Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси маъмурий биносининг қурилиши.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 8 ой.

Қурилиш ишлари Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — **Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**

Буюртмачи манзили: **Самарқанд шаҳри, Т.Малик кўчаси, 12-уй. Телефон: (8366) 233-06-63.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Т.Малик кўчаси, 12-уйда Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси биносида ўтказилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ УЙ-ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 39-ҳарбий шаҳарча 51683-сонли ҳарбий қисм казармасини капитал таъмирлаш.

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2008 йил 31 декабргача.

Буюртмачи манзили — Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 169-05-39.

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича қайтадан очиқ танлов савдолари

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Мактаб манзили, рақами	Буюртмачининг бошланғич нархи (сўм)
1.	Наманган вилояти, Наманган тумани, Қоракўл қишлоғидаги 620 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш	599 200 000

Қурилиши якунлаш муддати — 2008 йил 1 август.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган мактаб жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй. (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

Ҳикматлар сандиғидан

НОННИНГ УШОҒИ ҲАМ НОН

❖ Нон азиз — ушоғи
ундан азиз.
❖ Бошоқ тўрсанг дон бўлур,
тандир тўла нон бўлур.
❖ Йўқча хамир нон бўлур,
меҳмон кўнгли хуш бўлур.
❖ Ноннинг уволи — рўзғор
заволи.
❖ Нонни аясанг нонга, ошни
аясанг ошга етказади.
❖ Нонни хор тутма,
зор бўласан.
❖ Ярим нон — роҳати жон,
бутун нон — офати жон.
❖ Увол кўп жойда, иллат
авж олади.

Тўпловчи Юнус ЗИЁДОВ

Қинғир иш — келтирар ташвиш

Мамлакатимизда тадбиркорлик учун барча қулай шароитлар яратилган. Бунинг самараси ўлароқ, ишлаб чиқариш соҳалари тобора кенгайиб бормоқда. Кўплаб янги иш ўринлари бунёд этилмоқда. Аммо шунга қарамай, орамизда ноқонуний йўллар билан даромад орттиришга уринаётганлар ҳам учраб турибди.

ОШХОНАДАГИ «ЗАВОДЧА»

Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Денов туман бўлими томонидан яқинда ана шундай қонунбузарлик ҳолати аниқланди. Шаҳарнинг Кўзи Каримов маҳалласида истиқомат қилувчи Нормамат Бобомуродовнинг уйи текширувдан ўтказилганда ошхонада қўлбола усулда тайёрланган ускуна ўрнатилганига гувоҳ бўлинди. Пахтани чигитдан ажратадиган «заводча» яширин равишда фаолият кўрсатиб келган экан. Хонадондан жами 429 минг 984 сўмлик маҳсулот ашёвий далил сифатида олинди. Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири